

«ТАСДИҚЛАНГАН»

“ЎзРТХБ” АЖ Акциядорлари умумий  
мажлиси томонидан

(Акциядорларнинг йиллик умумий мажлиси  
баёноти, санаси «\_\_» \_\_\_\_\_ 2016 й.)

**«Ўзбекистон республикаси товар-хом ашё биржаси»  
Акциядорлик Жамиятини  
узоқ-муддатли (2016-2025 йй.) ва  
ўртача муддатли (2016-2018 йй.) мобайнида  
РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ**

**Тошкент – 2016 й.**

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.....	3
1.1 ЎзРТХБ – ривожланиш тарихи ва замонавий ҳолати. ....	3
1.2 Стратегия мақсади ва вазифалари .....	4
1.3 Корпоратив миссия ва қадриятлар, стратегик мақсад ва вазифалар.....	5
II. УЧ ТАРАФЛАМА ЕТАКЧИЛИК СТРАТЕГИЯСИ .....	5
2.1 Уч тарафлама етакчилик .....	5
2.2 Бозордаги етакчилик.....	6
2.3 Инновациялардаги етакчилик.....	7
2.4 Хизмат кўрсатишдаги етакчилик .....	7
2.5 Учта асосий бозор .....	7
2.6 Манфаатларнинг учталиқ мувозанатини таъминлаш (мижоз, акциядор ва ходимлар) ...	8
III. РИВОЖЛАНИШ ЛОЙИҲАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ МЕХАНИЗМИ .....	8
3.1 Ички тадбиркорликни ривожлантириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш.....	8
3.2 Ривожланиш қўмитаси ва Ривожланиш жамғармаси .....	8
3.3 Лойиҳаларни бошқариш.....	9
IV. БИРЖА САВДОСИНИНГ КЕЛГУСИДАГИ РИВОЖИ .....	9
4.1 Биржа савдосини реал товар ҳисобига кенгайтириш ва такомиллаштириш .....	9
V. ДАВЛАТ ВА КОРПОРАТИВ ХАРИДЛАРИНИНГ ЭЛЕКТРОН ТИЗИМИНИ КЕНГАЙТИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ .....	10
5.1 Биржа ахборот тизимларидан фойдаланиб Давлат ва корпоратив харидларни ташқиллаштириш .....	10
5.2 Давлат ва корпоратив харидлар тизимини ҳар томонлама такомиллаштириш чоралари. 10	
5.3 Давлат харидлари ахборот тизимининг яхлитлиги ва мажмуавийлиги. ....	11
5.4 Ахборот-коммуникацион технологияларни жорий этиш йўналишлари .....	11
5.5 Харидларнинг электрон усуллари. ....	11
5.6 Давлат харидлари тизимида ахборот-коммуникацион тизимлардан фойдаланишнинг бошқа йўналишлари.....	13
VI. ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ .....	15
VII. БИРЖАНИНГ ЎРТАЧА ИСТИҚБОЛ УЧУН СТРАТЕГИЯСИ (2016-2018 йй.) .....	17

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.

### 1.1 ЎЗРТХБ – ривожланиш тарихи ва замонавий ҳолати.

Ўзбекистонда биржа фаолиятининг бошланиши 1991 йил март ойида Очiq турдаги Акциядорлик жамияти шаклидаги «ТОШКЕНТ» Универсал товар-фонд биржасининг ташкил этилиши билан боғлиқ. Худди шу вақтда, қисқа фурсатларда, Ўзбекистоннинг деярли барча вилоятларида кўплаб вазирлик ва идоралар ҳузурида 36 та универсал товар-хом ашё биржалари ташкил этилди. Аммо, биржа фаолиятига дахлдор қонуний ва меъёрий-ҳуқуқий база, шунингдек амалий тажрибанинг йўқлиги, кўпгина майда биржаларнинг кадрлар ва брокерлар таркибининг касбий жиҳатдан тузилмаганлиги биржа харакатининг инқирозига олиб келди.

Бозорни ривожлантириш бўйича асосий қонунларни менсимаслик, миждозлар билан йўналтирилган ишнинг мавжуд эмаслиги, уларни иқтисодий танг ва банкротлик ҳолатига олиб келди. Улар ўз фаолиятларини тўхтатдилар.

1992 йил июль ойида, Ўзбекистон Республикаси Олий Совети, «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида» қонун қабул қилди. Ушбу қонун билан биржа, биржа товар ива биржа фаолияти тўғрисидаги асосий қоидалар белгилаб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Совети томонидан қабул қилинган «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида» қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари республикада биржаларнинг тараққий этиши учун янги қонунчилик базасини яратди.

«ТОШКЕНТ» Ўзбек универсал товар-фонд биржасини қайтадан ташкил этиш ҳисобига – тегишли функция ва ҳуқуқлар, биржа фаолиятида тажриба тўплаган бош мутахассисларни ишга кўчирган ҳолда товар-хом ашё ва фонд биржалари таъсис этилди.

Қонунчилик-ҳуқуқий база билан бир қаторда, ушбу биржаларнинг асосий ихтисослиги, ва уларнинг ҳар бири боғлиқ бўлган иқтисодиёт соҳаларининг тақсимооти белгилаб олинди.

Республика биржа тизимининг энг муҳим занжири бўлиб, Ўзбекистон республикаси товар-хом ашё биржаси бўлиб хизмат қилди. «ЎЗРТХБ» АЖ очiq акциядорлик жамияти шаклида таъсис этилган бўлиб, 1994 йил 8 апрелда Республика Адлия Вазирлигида рўйхатга олинган, ва бугунги кунда республиканинг етакчи товар-хом ашё биржаларидан бири ҳисобланади.

Иқтисодиётнинг биржа секторининг фаолият юритиши ва келгусидаги ривожланиши учун энг муҳим бўлиб, ҳукуматнинг биржа савдоларини келгусида ривожлантириш масалалари юзасидан 1999 йилда қабул қилинган қарорлари бўлди. Улар орасида биринчи навбатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 15 апрелдаги № 174-сонли «Биржа ва ярмарка савдоси самарадорлигини ошириш чоралари тўғрисида» ги Қарори, ва 1999 йил 6 майдаги № 223-сонли «Ўзбекистон Республикасида биржа ва ярмарка савдосини келгусида такомиллаштириш чоралари тўғрисида» ги Қарорларини келтириш кифоя.

№ 174 сонли Қарор биржа савдоларида тузилган шартномалар бўйича товарларни сотиш, харид қилиш ва чиқариш тартибини белгилаб берди. Кўрсатилган қарорнинг 1-Иловасида биржа савдоларидаги реализацияси фақат эркин айрибошланадиган валюта эвазига амалга ошириладиган товарлар гуруҳи рўйхати келтирилган.

№ 223-сонли Қарорга мувофиқ, товар-хом ашё биржаларидаги савдоларда импорт шартномалари тузиш тартиби тасдиқланди ва улар аснисида ҳисоб-клиринг палаталари тузилди.

Ўзбекистон Республикасида биржа савдосининг ривожланиши бўйича тубдан чоралар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги « 57-сонли «Юқори ликвидли махсулот, хом ашё ва материал турларини реализация қилиш бўйича бозор механизмларининг келгусидаги жорий этилиши тўғрисида» ги Қарорига мувофиқ

кабул қилинди. Ушбу қарорга биноан, деярли барча турдаги моддий-техник ресурслар биржа савдоларида реализация қилинади.

Давлат бюджети воситаларининг самарали сарфланишини таъминлаш, товар (иш, хизмат) лар таъминоти учун давлат буюртмаларини олишда кичик ва хусусий тадбиркорликка киришни кенгайтириш, давлат харидларини амалга оширишда рақобатни келгуси ривожлантириш ва тиниқликни таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги № ПҚ-1475 сонли «Давлат харидлари тизими оптималлаштириш ва уларга кичи бизнес субъектларини жалб қилишни кенгайтириш тўғрисида» ги Қарори билан, Давлат харидлари бўйича Ҳукумат комиссияси томонидан рўйхати белгиланадиган товар (иш, хизмат) ларнинг алоҳида турларини давлат томонидан сотиб олинишини амалга ошириш учун янги, янада такомиллашган ва тиниқ механизм жорий этилган бўлиб, қиймати 300 АҚШ долларидани 100 минг АҚШ доллари миқдоригача бўлган битта шартнома бўйича, бундай харидлар биржа томонидан ташкил этиладиган электрон аукцион савдоларида бошланғич нархни пасайтириш учун олиб борилади.

Биржа ахборот тизимларини давлат харидларини амалга оширишни ташкиллаштиришда ишлатиш, қабул қилинган қарорларнинг самарадорлигини намойиш этди ва мазкур механизм Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 5 апрелдаги № ПҚ-1948 сонли «Электрон харидлар тизимини оптималлаштириш ва уларга тадбиркорлик субъектларини жалб қилишни кенгайтириш тўғрисида» ги Қарори билан, табиий монополия субъектлари ва давлатнинг ката улушига эга корхоналар томонидан амалга ошириладиган харидларга нисбатан қўлланила бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 4 декабрдаги № ПҚ-2270 сонли «Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва параметрларининг прогнози тўғрисида» ги Қарори билан, 2015 йил 1 июндан бошлаб, буюртмачининг шошилиш ёки олдиндан қўрилмаган тартибда солиб олиш зарурати туғилган товарлар хариди электрон каталог орқали амалга оширилади.

Кўрсатилган меъёрий-ҳуқуқий далолатномаларнинг амалий реализацияси (ижроси) давлат ва корпоратив харидлари тизимини қайтадан ташкил этишга имконият яратди. Электрон харид шаклларини киритиш барча хўжалик юритувчи субъектлар, авваломбор кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун давлат ва корпоратив харидларга бир хилда кириш, ҳамда харидлар жараёнида тиниқлик ва рақобатни таъминлади. Бюджет воситалари ва корпоратив буюртмачилар воситаларини савдолардаги рақобат ҳисобига тежаш, харидларнинг бошланғич нархидан 15 дан 20 % гача ни ташкил қилади.

## 1.2 Стратегия мақсад ва вазифалари

Ушбу стратегиянинг **бош мақсади** биржанинг акциядорлари, ходимлари ва бизнес ҳамкорлари манфаатларида тезкор ривожлантириш мақсадида тизим мобайнида тартибга солинадиган биржа истиқболли ресурсларидан фойдаланишнинг имтиёзли йўналиш, шакл, усул ва услублари тизимини яратишдан иборат.

Стратегиянинг **бош вазифалари** бўлиб қуйидагиларни аниқлаш ҳисобланади:

биржанинг замонавий ҳолати, унинг республика иқтисодиётидаги ўрни, заиф ва кучли тарафлари, рақобатбардош муҳитни аниқлаш;

корпоратив миссия ва қадриятни аниқлаш;

биржа стратегик мақсад ва вазифаларини аниқлаш;

биржа стратегиясини аниқлаш;

биржа стратегиясининг реализация механизмларини аниқлаш;

келгуси беш йиллик давр мобайнида фаолиятнинг асосий ва батафсил йўналишларини аниқлаш;

корпоратив бошқарувни такомиллаштириш усулларини аниқлаш;

ижтимоий сиёсат асосларини аниқлаш.

Мазкур стратегия биржа ривожланиши ёндашув ва йўналишлари, уларни реализация қилиш механизмларини белгилайдиган энг муҳим ҳужжатлардан бири саналади. Қолган бошқа барча дастур, режа ва лойиҳалар, маҳаллий далолатнома ва тасарруф ҳужжатлари ушбу стратегия қоидаларига асосланади ва унга қарши бўлмаган қисмида қонуний кучга эга бўлади.

### **1.3 Корпоратив миссия ва қадриятлар, стратегик мақсад ва вазифалар**

Биржанинг корпоратив миссияси: **Инновацияларни жорий этиб, биз ўз миждозларимиз учун электрон тижорат соҳаси ва товар бозорларида мажмуавий ечимларни таъминлайдиган энг мақбул муҳитни яратамиз, кенгайтирамыз ва такомиллаштирамыз.**

Корпоратив қадриятлар: **Стратегия, ресурслар ва тараққиёт. Инновациялар, иждокорлик (креативлик) ва мажмуавийлик. Сифат, тезкорлик ва ҳамкорлик.**

**Стратегия, ресурслар ва тараққиёт.** Биз ўзимизнинг аҳамиятли ресурсларимиздан энг яхши усулларда фойдаланиш, бозорда ривожланиш ва етакчилик қилиш имкониятини берувчи стратегияларни ишлаб чиқамиз ва жорий этамыз.

**Инновациялар, иждокорлик (креативлик) ва мажмуавийлик.** Аминмизки, ўз миждозларимизнинг эҳтиёжларини мажмуавий ечиш учун фақатгина креатив ёндашув ва технологик, бошқарув ва сервис инновацияларни домий жорий этиш бозорда етакчи бўлишга олиб келади. Шунинг учун, биз доимо инновацияларда етакчи бўлишга интиламыз.

**Сифат, тезкорлик ва ҳамкорлик.** Биз ўз диққатимизни миждозга қаратамыз ва бу ёндашувда сифат, тезкорлик ва ҳамкорлик тамойилларига асосланамыз. Айнан худди шу ёндашув, хизмат кўрсатишда етакчиликка йўналиш, нақд воситалари оқими, ривожланишнинг янги стратегияларига қаратилган ресурсларни ошириш имкониятини таъминловчи миждозларнинг содиқ (лояллик) лигини кафолатлайди.

## **II. УЧ ТАРАФЛАМА ЕТАКЧИЛИК СТРАТЕГИЯСИ**

### **2.1 Уч тарафлама етакчилик**

Биржа муваффақияти уч тарафлама етакчилик стратегиясини амалга ошириш имконияти, ҳар уч йўналишда етакчилик қилиш қобилиятини реализация қилишга боғлиқ бўлади.


Ушбу стратегия билан қўйилган мақсадларга эришиш, рақобатбардош имтиёزلарни сақлаб қолиш учун, Биржа қуйидагиларга риоя қилиши ва кучайтириши керак:

бозордаги етакчилик;

инновациялардаги етакчилик;

хизмат кўрсатишдаги етакчилик.

Биржанинг ҳозирда товар бозоридаги эгаллаб турган етакчи ўрни даромадни янги бозорларга чиқиш, асосан электрон тижоратнинг истиқболли бозорига чиқишга йўналтирилган инновацияларни молиялаштириш учун умумлаштириш ва ишлатиш имконини беради. Биржанинг инновация, инновацион ёндашув ва биржа томонидан киритилаётган ечимлар, унинг янги ахборот тизимларига миждозларни жалб қилишга замин яратади. Хизмат кўрсатишда, юқори сифатли хизматлар кўрсатишда етакчилик эвазига, бу миждозлар сақлаб турилади, миждозлар сони ошиб боради ва шу тариқа янги бозорларда етакчиликни таъминлайди. Миждозлардан олинадиган комиссия божи, бирда янги инновацион лойиҳа, шунингдек амалдаги ахборот тизимларини кенгайтириш ва такомиллаштириш, хизмат кўрсатиш сифатини оширишга қаратишни мўлжаллаган янги даромадларни умумлаштириш имконини бериб, янги истиқболли бозорларни эгаллаб ва анъанавий бозорлардаги етакчиликни мустаҳкамлайди.



## 2.2 Бозордаги етакчилик

Ҳозирги кунга келиб, ЎзРТХБ корхоналар орасида миллий электрон тижорат бозорида (хом ашё товарлари билан электрон биржа савдоси), электрон корпоратив харидлар (B2B – хом ашёга оид бўлмаган товарларнинг электрон кўргазма-ярмарка савдоси) ҳамда B2G – электрон давлат харидларида ўзи учун етакчиликни таъминлай олди. Биржа томонидан ташкил этиладиган электрон савдоларда, 2015 йилда барча савдо платформалардаги умумий айланмаси 8.9 трлн сўмдан ортган 635 мингдан ортиқ битим тузган ўнлаб йирик ва кичик корхоналар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар иштирок этадилар.

Биржа республикадаги энг йирик ахборот тизимининг оператори бўлиб, бу тизим миқдорларга товар реализацияси (ёки уларни хариди) бўйича битимларни масофадан туриб тузиш имкониятини тақдим этади. Савдо иштирокчиларидан олинadиган комиссия божи, унинг асосий даромад манбаи саналиб, биржани истиқболли бозорларни молиявий тадқиқ қилиш, технологик ва бизнес инновацияларини жорий этиш, малакавий ходимларни жалб қилиш, сақлаб қолиш ва рағбатлантириш, реклама ва янги хизматларни илгари суриш (таклиф қилиш) кабиларга йўналтирилиши мумкин бўлган зарурий молиявий воситалар билан таъминлайди.

Буларнинг барчаси, ҳозирги кунда биржанинг электрон тижорат B2B ва B2G секторларидаги етакчи ва эътирозсиз ўрнини кафолатлайди.

Давлатнинг биржа акция капиталида иштирок этиши, шунингдек давлатнинг товар бозорларида тиниқлик ва рақобат, ҳамда ахборот-коммуникацион технологияларни жорий этишни таъминлаш бўйича сиёсатининг асосий ўтказувчиси сифатидаги роли, давлат ҳукумати ва бошқаруви органларини қўллаб-қувватлайди.

Шу билан бирга, электрон тижоратнинг ушбу соҳада қабул қилинаётган қонунчилик актлари воситасида жадал ривожланиши, биржанинг эътирозсиз етакчилигига чақирув ташлаётган эҳтимолий (салоҳиятли) рақобатчиларнинг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин ва олиб ҳам келиши мумкин.

Вақт чақирувлари ҳолатнинг бундай ривожини олдинда кўра оладиган пухта ўйланган стратегияни қабул қилишни тақозо этади. Ушбу чақирувларга ягона мақбул жавоб бўлиб – инновацияларни жорий этиш ва янги бозорларга чиқиш хизмат қилади.

### 2.3 Инновациялардаги етакчилик

Инновациялардаги етакчилик технологик ва бизнес инновацияларни доимий ва заифлаштирилмаган ҳаракатлар билан жорий эти шва амалдаги ахброт тизимларини модернизациялашни назарда тутуди, ва бу бозордаги етакчиликни сақлаб тури шва мустаҳкамлашни кафолатлайди. Биржадаги мавжуд инсон, молиявий ва ташкилий потенциал (салоҳият) инновацияларни киритиш масалаларида етакчиликка эришишга таяниш имконини беради. Биржа дунё электрон тижоратини янада ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини аниқлаш, энг сўнгги технологик ишланма, янги бизнес йўналишларни топиш мақсадида, уни мониторинг қилиш ниятида.

Доимий мониторинг предмети бўлиб – шунингдек дунё етакчилари томонидан жорий этилаётган корхоналарни бошқаришнинг энг сўнгги амалиёти ва маркетинг стратегиялари (бизнес-инновациялар) хизмат қилади.

Биржанинг рақобатбардош энг муҳим имтиёзларидан бири – биржа брендининг таниқлиги, йиллар давомидаги фаолият туфайли жамланган энг кенг миқозлар базасидир. Жорий этилаётган инновациялар, биринчи ўринда аввало биржа хизматларидан бошқа йўналишларда фойдаланаётган, биржа ҳисоб-клиринг палаталарида шахсий ҳисоблар очган миқозларга таклиф этилади. Бу қисқа фурсатларда янги технологик платформаларни «айлантириш», уларга янги лойиҳаларнинг ўз ўзини қоплаш тартибига тезда ўтишни амалга оширишга замин яратувчи кўп сонли миқозларни жалб қила олади. Жалб қилинган миқозларни сақлаб қолиш, улар лояллигини (содиклигини) таъминлаш - юқори сифатли хизмат кўрсатиш ҳисобига амалга оширилади.

### 2.4 Хизмат кўрсатишдаги етакчилик

Хизмат кўрсатишдаги етакчилик деганда – биржанинг муваффақият калит омили сифатида рақобатчилар билан солиштирганда ва миқозлар тахминлари нуқтаи назаридан миқозларга энг юқори сифатли хизмат кўрсатишга ҳаракат қилиши тушунилади. Хизмат кўрсатишнинг энг юқори даражасига ташкилот ҳисобидан эришилади.

Инновацияларни жорий этаётганда, асосий диққат миқозлар муаммоларини **мажмуавий ҳал қилиш** қобилиятига қаратилади. Миқозларга таклиф этиладиган хизматлар ҳисоб-китоб бўйича хизмат кўрсатиш, логистика, ахборот ва реклама ва хк.хизматлар соҳасидаги қўшимча имкониятлар билан тўлдириб борилади.

Миқозларга хизмат кўрсатишда, биржа қуйидаги асосий тамойилларга таянади:  
хизматларнинг максимал сифатини таъминлаш;  
миқозларга хизмат кўрсатишда тезкорлик, улар талаб ва эҳтиёжларига жадал жавоб беришга эришиш;  
миқозлар билан ўзаро алоқада ҳамкорлик ёндашувини ўрнатиш.

### 2.5 Учта асосий бозор

Биржа фаолияти учта асосий бозорга йўналтирилган бўлади, улар:  
биржа товарлари бозори;  
давлат ва корпоратив харидлар бозори;  
электрон тижорат бозори.

Биржа эндиликда, ўзининг бирж (стандарт, имтиёзли хом ашё товарларининг реализацияси) а товарлари бозоридаги етакчилигини сақлаб қолишга интиломқда. Бундан кейин ҳам давлат ва корпоратив харидларни ташкил этишга имкон берувчи сервислар ишлаб чиқарилаверади. Энг аҳамиятли таянч – биржа учун янги бўлган – электрон тижорат бозорига қаратилади.

## **2.6 Манфаатларнинг учталик мувозанатини таъминлаш (мижозлар, акциядорлар ва ходимлар)**

Ушбу Стратегия биржа мижози, акциядори ва ходимлари манфаатлари ҳисобини юритади ва унинг мувозанатини таъминлашни кўзда туттади.

Бу уч тоифанинг манфаатлари нафақат бир бирига қарши, балки мос ҳам келади, чунки улар ўзаро бир бирига боғлиқ.

Мижозлар биржа хизматларидан фойдаланганишдан тезкор ва сифатли хизмат кўрсатиш ва иқтисодий наф олишдан манфаатдор. Хизмат кўрсатишнинг юқори даражаси билан Жамият ўз ўрнида ўз ишининг моддий ва маънавий рағбатлантирилишидан, арзигулик ижтимоий тўпلامни қўлга киритишдан манфаатдор бўлган ишчи-ходимларини таъминлашга кодир. Бу шартларни уларга биржа акциядорлари ўз қарорлари билан таъминлашлари мумкин, ва бунда уларнинг бош манфаати – биржа капитализациясини ошириш, унинг улушлари қийматини ва дивидендлар ҳажмини кўпайтиришдан иборат бўлади. Бу шартларни нақд маблағ тушумини таъминловчи мижозларнинг етарли сонини жалб қилиш ва сақлаб туриш ҳисобига амалга оширса бўлади.

## **III. РИВОЖЛАНИШ ЛОЙИҲАЛАРИНИНГ РЕАЛИЗАЦИЯ МЕХАНИЗМИ**

### **3.1 Ички тадбиркорликни ривожлантириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш**

Биржага электрон тижорат соҳасида чақирув ташлаши мумкин бўлган асосий рақобатчилар бу бош имтиёзи тадбиркорлик ташаббуси, қарорлар қабул қилишдаги тезкорлик ва инновациялик бўлган кичик инновацион корхоналар ҳисобланади. Ушбу чақирувларга ягона арзигули жавоб тадбиркорлик, тадбиркорлик ташаббуси руҳини кўтариш, қарорлар қабул қилишда норасмийлик ва тезкорликка қаратилган янги корпоратив маданият бўлиши мумкин. Инновацион лойиҳаларни фаол тарзда жорий этиш учун, ЎзРТХБ фаол тарзда ички тадбиркорликни тараққий топтиради.

Инновацион лойиҳалар ташаббускорлари ва ижрочиларини рағбатлантириш учун, моддий ва маънавий рағбатлантириш чоралари назарда тутилган. Ходимларнинг ташаббускорлик савиялари маошга мукофот ва устамалар ҳисоблашда ҳисобга олинган ҳал қилувчи омиллардан бири бўлади. Янги бозорларга чиқиш ва анъанавий бозорларда ўз холатини сақлаб қолишга қаратилган инновацион лойиҳалар реализациясида иштирок этганлиги учун рағбатлантириш, биржа ходимлари даромадларининг аҳамиятли, аммо ҳал қилувчи қисми бўлиши керак. Хорининг илғор тажрибасини ҳисобга олиб, инновацион лойиҳалар иштирокчиларнинг уларнинг ижросидан олинган даромадда иштирок этишлари учун маълум усуллар ишлаб чиқилади. Бунда, даромадда иштирок этиш усуллари, лойиҳаларнинг узок муддатли истиқболга молиявий турғунлигини рағбатлантириши керак.

### **3.2 Ривожланиш қўмитаси ва Ривожланиш Жамғармаси**

Биржани ривожлантириш дастурини мувофиқлаштириш, лойиҳаларни кўриб чиқиш ва улар ижросини мониторинг қилиш мақсадида, Биржа Бошқаруви ҳузурида **Ривожланиш қўмитаси** ташкил этилади.

Қўмитани тузишдан мақсад – Бошқарувнинг биржа молиявий-хўжалик фаолиятини режалаштириш соҳасидаги ваколатига кирувчи масалаларнинг тубдан ишланмасини таъминлаш, Бошқарув учун ҳар томонлама асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш, ҳамда Бошқарув қарорларининг тасдиқланган ривожланиш дастурлари ва лойиҳаларини реализация қилиш қисмида назорат олиб боришини таъминлашдан иборат.

Тасдиқланган ривожланиш дастурлари ва лойиҳаларини етарлича ва мунтазам молиялаштириш, биржа инновацион фаолиятини кенгайтириш учун, «ЎзРТХБ» АЖ да **Ривожланиш жамғармаси** ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПҚ №-4720-сонли Қарорига № 2 22-Иловага мувофиқ, Ривожланиш жамғармасига ҳар чоракда биржа томонидан ҳисобот даври учун олинган соф фойданинг 10 % дан кам бўлмаган қисми йўналтириб борилади.

Бу маблағларга қўшимча тарзда, Ривожланиш жамғармасига шунингдек, жрий этилган вақтидан бошлаб уч йилдан кам бўлмаган давр учун янги лойиҳаларни жорий этишдан олинган фойданинг 50 % ва биржа томонидан бизнес режа кўрсаткичларидан ортиқ олинган фойданинг 20 % йўналтирилади.

Бу маблағлар истиқболли тадқиқотларни молиялаштириш, бозор талабини ҳисобга олган ҳолда янги махсулотларни ишлаб чиқиш ва маркетинглаш, янги инновацион лойиҳаларни реализация қилиш, технологик қурилмалар ва дастурий махсулотларни модернизациялаш, янги лойиҳалар реализацияси билан машғул ходимлар меҳнатини рағбатлантиришга сарфланади.

### **3.3 Лойиҳаларни бошқариш**

Биржада жорий этилаётган янги инновацион маданият – биржа ходимлари ва биржа билан қўшма фаолият (оддий ҳамкорлик шартномалари) тўғрисидаги битим асосида боғлиқ бўлган бошқа шахслар томонидан бошланадиган ва реализация қилинадиган бизнес лойиҳаларни реализация қилиш механизмини кўзда тутди.

Инновацион таклифлар Ривожланиш қўмитаси томонидан кўриб чиқилади ва баҳоланади. Лойиҳа экспертизаси ўтказилгач, уни жорий этиш бўйича таклифлари Қўмита томонидан бошқарув номига лойиҳа ташаббускори билан келишилган шартнома лойиҳаси билан бирга юборилади. Биржа бошқаруви бизнес лойиҳа, унинг бизнес режаси ва бюджетини реализация қилиш ҳақида қарор чиқаради. Бошқарув томонидан тайинланган лойиҳа раҳбари лойиҳа ходимларини бошқаради, унинг реализацияси учун бюджет ва реализация муддатларига кўра жавобгар саналади.

Лойиҳа реализациясидан олинган даромад – қўшма фаолияти тўғрисидаги битимга мувофиқ тақсимланади.

## **IV. БИРЖА САВДОСИНИНГ КЕЛГУСИДАГИ РИВОЖЛАНИШИ**

### **4.1 Биржа савдосини реал товарлар билан кенгайтириш ва такомиллаштириш**

Ҳозирги кунга келиб, ЎзРТХБ бир хил товарларнинг кенг номенклатураси бўйича юқори ликвидли махсулотларнинг электрон биржа савдоларини ўтказмоқда.

Стратегия қуйидагиларни кўзда тутди:

ушбу номенклатурани ҳозиргача электрон савдолар билан қопланмаган юқори ликвидли махсулот (табiiй газ, электр энергияси, полипропилен) ҳисобига кенгайтириш;

юқори ликвидли махсулот билан форвард савдо қилишни йўлга қўйиш;

биржа савдолари иштирокчиларига кўрсатиладиган қўшимча хизматларни ривожлантириш ва такомиллаштириш (ахборот, ҳисоб-китоб, логистика, хакамлик ва бошқа турдаги хизматлар);

ишлаб чиқаришга оид биржа воситалари маҳаллий иқтисодиёт томонидан талаб қилинган вақтда, дериватив (ҳосила) лар савдосини киритиш имконини берувчи замонавий биржа савдоси инфратузилмасини босқичма-босқич қуриш.

## **V. ЭЛЕКТРОН ДАВЛАТ ВА КОРПОРАТИВ ХАРИДЛАР ТИЗИМИНИ КЕНГАЙТИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

### **5.1 Давлат ва корпоратив харидларни биржа ахборот тизимларидан фойдаланиб ташкиллаштириш**

Биржанинг сезиларли ўсиш суръатларига эга бўлган соҳаларидан бири – давлат ва корпоратив харидларини биржа ахборот тизимларидан фойдаланиб ташкиллаштиришдир.

### **5.2 Давлат ва корпоратив харидлар тизимини тубдан такомиллаштириш чоралари.**

Электрон харид усулларини киритиш натижасида эришилган кўзга кўринарли ижобий натижага қарамай, уларни амалга оширишнинг амалдаги усуллари (электрон тескари аукцион ва электрон каталог) уларни мураккаб, мажмуавий ва қиммат нархдаги товарларга, ҳамда харид қилинишида нарх таъминотчилар таклифларини танлашдаги белгиловчи ва ягона омил саналган ишлар ва хизматларга нисбатан ишлатишга йўл қўймайди.

Шунингдек, харидларнинг амалдаги амалиётида бир қатор бошқа камчиликлар бор.

Таъминотчилар ва буюртмачилар томонидан ўзларининг шартномавий мажбуриятларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик ҳоллари бўлиб туради. Харидлар соҳасида малакали кадрларга эга бўлмаган буюртмачилар, доимо ҳам харидлар предметини аниқ ва етарлича профессионал тарзда тасвирлай олмайдилар, ва бу товарларни етказиб бериш даврида низо, харидлар жараёнида манипуляцияларга олиб келади. Шунингдек воситаларни адолатсиз таъминотчилар томонидан талон-тарож қилиш ҳоллари ҳам учраб туради.

Бундай шароитда, давлат ҳукумати ва бошқаруви органлари томонидан қабул қилинган қарорларга асосан, келгуси йиллар мобайнида давлат ва корпоратив харидлар тизими қайтадан ташкил этилади, ва харидларнинг меъёрий-ҳуқуқий базаси такомиллаштирилади. Ўзбекистон республикасида 2016-2025 йй., давлат харидлари самарадорлиги ва натижавийлигини ошириш тўғрисидаги Стратегияга биноан:

кўрсатилган стратегия (2016-2020 йй.) нинг биринчи босқичида келтирилган давлат харидларининг 80 % дан кам бўлмаган умумий ҳажми (йиллик умумий ҳажми тахминан – 10 млрд АҚШ долларига тенг) электрон усулларда олиб борилади;

Ўзбекистон республикаси товар-хом ашё биржаси томонидан харидларни қайтадан ташкил этиш, уларни ахборот-коммуникацион технологиялар ижроси амалиётига жорий этиш ишлари учун марказий жой ажратилган.

Ахборот-коммуникацион технологиялар турли соҳалардаги бизнес жараёнларга жиддий тўғриланишлар киритди. Уларнинг бутун дунёда давлат харидлари соҳасидаги фаол киритилиши ва ишлатилиши, улар намоён этадиган қуйидаги аниқ имтиёз ва фойдаларни тақозо этади:

харидлар жараёнларини автоматизациялаш ва соддалаштириш;

жараёнларнинг юқори савиядаги тиниқлиги ва иштирокчи ва мансабдор шахсларнинг ҳисобдорлиги;

ноқонуний ва коррупцион амалиётлар олдини олиш;

жараён иштирокчилари орасидаги жисмоний контактни минималлаштириш, махфий келишув ва мажбурлаш фактлари олдини олиш;

харид жараёнларида иштирок этиш харажатларини, шу жумладан йўл кира сарфини тежаш;

давлат харидлари тизимига бўлган ишонч даражасини ошириш;

назорат қилувчи органлар учун давлат харидлари соҳасида мониторинг ва нazorат олиб боришлари муносабати билан харажатларни камайтириши ва улар томонидан харидлар иштирокчиларига қилинадиган маъмурий босимни пасайтириш.

Стратегия амалда бўлган давр ичида, давлат харидларининг барча босқичларида, яъни давлат харидлари қоида ва жараёнларига риоя қилиш устидан назоратни режалаштиришдан то ташкил этишгача бўлган босқичларда ахборот-коммуникацион технологияларни жорий этиш кўзда тутилган.

### **5.3 Давлат харидлари ахборот тизимининг яхлитлиги ва мажмуавийлиги**

АКТ ларни давлат харидлари тизимига жорий этиш бўйича чоралар, биринчи ўринда, аввало **давлат харидларининг ягона, яхлит ва мажмуавий ахборот тизимини** яратишга қаратилади. Бу тизим биржанинг ягона махсус ахборот портали базаси асосида курилади.

АКТ ларни давлат харидлари амалиётига электрон ҳукумат ва давлат молияларини бошқариш ахборот тизими (ДМБАТ) ни жорий этиш жараёни билан биргаликда киритиш чораларини келиштириш юзасидан ҳаракатлар олиб борилади. АКТ ларни жорий этиш тезлиги бошқалар қатори, турли вазирлик ва идоралар реестрлари ва маълумот омборларини шакллантириш, ва уларнинг ўзаро ҳаракат ва механизмини яратишга боғлиқ бўлади. Шунга ўхшаш ўзаро ҳаракат ҳудудий ва кичик корхоналарнинг давлат харидларидаги иштироки билан боғлиқ ҳаракатларини қисқартиришга имкон беради.

### **5.4 Ахборот-коммуникацион технологияларни жорий этиш йўналишлари**

АКТ билан тақдим этилган имкониятлар уларни давлат харидлари соҳасидадаги куйидаги йўналишларда ишлатилишини прогнозлаш имконини беради:

янги электрон харидлар усулларини жорий этиш;

таъминотчи ва харидларнинг дастлабки квалификацияси (баҳоланиши) ни икки босқичда олиб бориш учун ахборот тизимидан фойдаланиш;

давлат харидларини ўтказиш билан боғлиқ бутун мажмуа маълумотларининг (меъёрий-ҳуқуқий ва услубий база, харидлар режаси, харидларни ўтказиш тўғрисида дастлабки эълонлар, харид жараёнларини олиб бориш натижалари ва таъминотчиларни аниқлаш тўғрисидаги маълумотлар, шартномавий мажбуриятларни бажариш ҳолати тўғрисидаги ахборотлар, давлат ҳукумати ва бошқаруви органларининг, Ҳукумат комиссияси, Хакамлик судининг қарорлари, ва харидлар ҳақида мавжуд бўлган бошқа умумий маълумотлар) махсус ахборот порталидаги концентрацияси ва архивацияси, ва бу маълумотларга барча манфаатдор тарафларнинг эркин киришларини таъминлаш;

тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларни бажариш устидан онлайн-мониторинг ва уларни ижро этиш кафолатларини таъминлаш ахборот тизими;

ахборот-коммуникацион технологиялардан мансабдор шахсларнинг давлат харидлари соҳасидаги ноқонуний ҳаракат ва ҳаракатсизликлари устидан шикоят келтириш соҳасида фойдаланиш;

ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланиб, давлат харидлари соҳасида мониторинг ва назоратни ташкил этиш.

### **5.5 Харидларнинг Электрон усуллари**

Давлат харидларини ташкил этишдаги электрон тесқари аукцион ва электрон каталог механизмларидан фойдаланиш тажрибаси, нафақат юқорида санаб ўтилган ижобий томонларни, балки ушбу харид усулларидадан фойдаланиб таъминотчиларни аниқлашдаги муаммоларни ҳам келтириб чиқарди.

Нарх кўрсаткичларини таъминотчини аниқлашдаги ягона мезон сифатида ишлатиш, ахборот-коммуникацион технологиялар билан катта қисмли харидлар предмети (мураккаб турдаги қурилма, товарларнинг мажмуавий таъминоти, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш) учун тақдим этиладиган имтиёزلардан фойдаланишга йўл қўймайди, қачонки

харид предметларининг техник ва / ёки сифат кўрсаткичлари ёки уларни таъминлаш шартлари таъминотчи учун нарх билан белгиланадиган ва солиштириладиган аҳамият касб этса.

Бу шартларда, нарх билан бирга бошқа мезон ва кўрсаткичларни ҳисобга оладиган харидларнинг электрон шаклдаги усулларига ўтиш мақбул саналади.

Мазкур Стратегия (унинг биринчи босқичдаги реализациясида) **таъминотчилар билан бевосита келишида биржа ахборот тизимида рўйхатга олиш бўйича электрон танлов (тендер), нархларнинг электрон сўровномаси, таклифларнинг электрон сўровномасини жорий этишни талаб қилади.**

Товар, иш ва хизматларни харид қилишнинг асосий ва имтиёзли усули ва уларни харид қилишдаги мажбурий усули қиймати бир шартнома бўйича 100 000 АҚШ долларидан ортиқ бўлса, бу усул Ўзбекистон республикасида **электрон танлов** (тендер) ҳисобланади.

Электрон танлов олиб боришда, ахборот тизими қуйидагилар учун жавоб беради:

буюртмачи ва таъминотчиларнинг харидлардаги масофавий (дистанцион) иштироки имконияти;

харид жараёнини олиб бориш тўғрисида эълон ва харид ҳужжатларини онлайн режимда жойлаштириш, ва электрон харидларда иштирок этиш учун минимал тўлов киритилгандан кейин харид ҳужжатларининг автоматик очилиши (барча таъминотчилар учун бир хилда);

оферентлар таклифлари жойланган конвертларнинг бир вақтдаги автоматик очилиши;

типли шаклларни тўлдириш ва таклифлардаги сон кўрсаткичларини тўғрилаш имкони билан бирга автоматик текшириш орқали оферта даъвогарларининг онлайн топшириш имконияти;

буюртмачи ва савдо ташкилотчисининг таъминотчилар (шу жумладан, харид ҳужжатлари қодаларини изоҳлашда) билан қонунчиликда кўрсатилган муддатда ушбу маълумотни сақлаш баробарида, барча таъминотчилар учун мавжуд бўлган чат орқали ўзаро алоқаси;

харид ҳужжатлари шартларига биноан, сон кўрсаткичларини автоматик солиштириш ва уларни дастлабки тоифалаш;

танлов комиссияси аъзоларининг овоз беришнинг типли (намунали) шакллари бўйича масофавий овоз бериш имкониятлари;

танлов комиссияси мажлислари учун намунавий баённомаларнинг автоматик шакллантирилиши;

бутун ахборотнинг мавжудлиги ва уни харид жараёнларини олиб боришда мансабдор шахсларнинг ноқонуний ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги устидан шикоят келтиришда, мониторинг ва назорат қилишда ишлатиш.

Буюртмачи ва таъминотчилар ўртасида ўрнатилган узоқ муддатли ҳамкорлик ришталари сақлаб қолиниши ва бир шартнома бўйича 5 000 АҚШ доллари қийматидаги давлат харидлари **анъанавий таъминотчилар билан бевосита шартномалар** воситасида тузилиши мумкин. Нархлар манипуляцияси хавфини бартараф этиш учун, бундай шартномалар мажбурий тарзда Биржа ахборот тизимида рўйхатга қўйилади. Шартнома рўйхатга қўйилгач, давлат харидлари ахборот тизими автоматик режимда унда рўйхатдан ўтган барча таъминотчиларга (худди шу турдаги товарлар етказиб берувчи анъанавий таъминотчи рақобатчиларига), шу жумладан қайтадан ташкил этилган корхоналарга, 48 соат ичида кичик ва хусусий таклифлар юборади, уларга анъанавий таъминотчидагиданда пастроқ нарх қўйиш ҳисобига кетма-кет ғолиб бўлиш ва буюртмачилар билан шартнома тузиш имконияти берилади. Янада пастроқ нархлар бўлмаганда, анъанавий таъминотчилар билан тузилган шартнома қонуний кучга киради.

Қонун нуқтаи назаридан, бу механизм Фуқаролик кодексининг 104-моддасига («Шарт асосий амалга оширилган битимлар») биноан мумкиндир. Анъанавий таъминотчи билан шартнома кейинга суриш шарти билан тузилади, ва унга кўра бу шартнома бўйича

хукук ва вазифаларнинг келиб чиқиши, битимнинг биржа ахборот тизимида рўйхатга қўйилиши натижасида бирор бир истиқболли рақобатчи томонидан кейинга суриш шартли битимда кўрсатилган нархданда пастроқ нарх берилишига боғлиқ бўлади.

Кейинчалик биржа ахборот тизимида рўйхатга қўйиш шarti билан бевосита шартномалар тузиш механизмини жорий этиш, қуйидагиларга имкон туғдиради:

буюртмачи ва анъанавий таъминотчилар ўртасида янгидан ташкил этилган корхоналар манфаатларига зиён етказмаган ҳолда, турғун анъанавий алоқаларни сақлаб қолиш;

бевосита шартномалар тузаётганда коррупцион хавфларни олиб ташлаш;

бевосита шартнома тўғрисидаги ахборотни давлат харидларининг ягона ахборот тизимида киритилишини таъминлаш;

битим нархини бозор нархи деб тан олиш ва назорат қилувчи органларнинг буюртмачи ва таъминотчи ўртасидаги ўзаро ҳаракатга ноўрин аралашини холатларини бекор қилиш.

Буюртмачида анъанавий таъминотчилар бўлмаганда, ёки буюртмачи танлови билан, битта шартнома бўйича қиймати 5 000 АҚШ долларигача бўлган харидлар **нархларнинг электрон сўровномаси** усули билан тузилиши мумкин. Бу усул тескари аукционнинг соддалаштирилган шаклини ифодалайди: эълон бериш билан жараён ғолибини аниқлаш муддати орасидаги вақтни қисқартириш (буюртмачи танлови билан 48 соатдан кам бўлмаган вақт ичида) аф рақобатчи нарх таклифларини бир марталик топшириш.

Ички рақобатчи бозорда қиймати 5 000 дан 10 000 АҚШ Долларигача бўлган стандарт товарлар мавжуд бўлганда, улар аввалгидай, **электрон тескари аукцион** усули билан харид қилинади, аммо мураккаб товар, иш ва хизматлар хариди худди шу суммада – **таклифларнинг электрон сўровномаси** усулида амалга оширилади. Таклифларнинг электрон сўровномаси электрон танлов (тендер) нинг соддалаштирилган шакли бўлиб, эълон бериш ва таъминотчини танлаш орасидаги вақтни (10 кундан кам эмас) қисқартиради. Таклифларнинг электрон сўровномаси олиб борилаётганда, таъминотчи танлови иккитадан кам бўлмаган мезон асосида, ва буюртмачи ихтиёрига кўра, таъминотчиларнинг дастлабки малакаси билан амалга оширилади.

Тезкор ва қутилмаган харидларни амалга ошириш учун, аввалгидай, **электрон каталог** усули қўлланилади. Бунда, халқаро тажрибани ҳисобга олиб, товарларни рамкали келишувлар асосида электрон каталогларга жойлаштириш масаласи кўриб чиқилади.

## **5.6 Давлат харидлари тизимида ахборот-коммуникацион технологияларни ишлатишнинг бошқа йўналишлари**

**Таъминотчиларнинг дастлабки малакаси ва Икки босқичли харидларни** амалга ошириш учун ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланиш, бир вақтнинг ўзида ушбу жараёнларни соддалаштириш ва уларни амалга оширишдаги тиниқлик ва объективликни осонлаштиради.

Ахборот тизими, ҳар бир харид жараёнини бошлаш олдида, истиқболли таъминотчининг лаёқатини тасдиқловчи ҳужжатларни топшириш заруратини бекор қилиш имконини беради. Зарурий лицензия, руҳсат берувчи ҳужжат, сертификат, тегишли молиявий маблағ, кадр заҳирасининг мавжудлиги тўғрисидаги ахборот, давлат харидлари ахборот тизимининг вазирлик ва идора, банк ва бошқа ташкилотлар маълумот омборлари билан ўзаро ҳаракат ҳисобига автоматлаштирилади. Таъминотчилар рейтинги тизими ва уларнинг тоифасини киритиш (адолатли таъминотчилар реестрлари, кафолатловчи таъминотчилар реестрлари) фаол ва адолатли таъминотчилар учун кўп қаррали қайтадан малака оширишнинг олдини олиб, уларга харидларга тез ва имтиёзли кириш имконини беради. Ахборот тизимидан фойдаланиб, дастлабки малакани ўтказиш, иждонсиз буюртмачилар томонидан ўзбошимчаликларни чеклайди, ва бунда рақобатнинг ва манфаатлар тўқнашувининг адолатсиз чекланиши имкониятини бартараф этади.

Икки босқичли харидларга электрон жараённи жорий этиш, жараённинг харидлар предметини аниқлаш бўйича савиясини ошириш имконини беради.

Ахборот-коммуникацион технологиялар давлат харидларини (меъёрий-ҳуқуқий ва услубий база, харидлар режаси, харидларни ўтказиш тўғрисида дастлабки эълонлар, харид жараёнларини ўтказиш натижалари ва таъминотчиларни аниқлаш ҳақида ахборотлар, шартномавий мажбуриятлар ижроси ҳақида тафсилотлар, давлат ҳукумати ва бошқаруви органлари, Ҳукумат комиссияси, Хакамлик суди қарорлари, харидлар тўғрисида бирор бир бошқа умумий мавжуд бўлган маълумотлар) ўтказиш билан боғлиқ **бутун ахборот мажмуасини** махсус ахборот порталида **концентрациялаш ва архивлаш учун** ва барча манфаатдор тарафларга ушбу маълумотларни эркин тақдим этиш учун фаол тарзда ишлатилади. Шу мақсадда, доимий аснода амалдаги махсус ахборот порталининг модернизацияси олиб борилади.

Республикада муваффақиятли олиб борилган биржа битимлари ижросини кафолатлашни таъминлаш тажрибасидан фойдаланиб тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларни ижро этиш ва уларнинг ижроси кафолатланишини таъминлаш бўйича **онлайн-мониторинг тизими** қурилади. Харидлар иштирокчиларининг бўнак (кафолат таъминоти) лари уларнинг биржагаги ҳисоб-клиринг палатасида очилган шахсий ҳисоб рақамларига ўтказилади. Биржанинг ҳисоб-клиринг палатаси орқали харидлар қай усулда олиб борилганлигидан қатъий назар, давлат харидлари ҳақида тузилган шартномалар бўйича барча ҳисоб-китоблар олиб борилади. Ҳисоб-китобларнинг ахборот тизими қуйидагиларни амалга оширади:

буюртмачининг ҳисоб-клиринг палатасидаги шахсий ҳисоб рақамидаги молиявий маблағлари мавжуд бўлганда, давлат буюртмасини молиявий таъминлаш мақсадида харидлар тўғрисидаги эълонни жойлаштириш;

фақатгина берилган бўнак киритилгандагина, ва зарур бўлса демпинг ёки таъминотчиларнинг таъминланмаган аризаларини бартараф этиш мақсадида оферентлар таклифларини топшириш;

онлайн-ҳисоб китоб технологияларидан фойдаланиб, ҳақиқий вақт режимида мажбуриятлар бажарилиши устидан текширув.

Ахборот-коммуникацион технологиялар, шунингдек мансабдор шахсларнинг давлат харидлари чоғида қонунга қарши ҳаракатлари ёки ҳаракатсизликлари устидан **шикоят келтиришнинг янги механизмини** жорий этиш учун ҳам ишлатилади. Аризаларни махсус ахборот портали орқали электрон тарзда топшириш ва дастурий-аппарат воситаларнинг имкониятлари шикоятларни кўриб чиқишнинг тиниқлик ва назорат қилишнинг янги даражасини таъминлайди. Ахборот тизими шикоятларни кўриб чиқиш муддатларини назоратга олиш, шикоят топширишдан бошлаб то асосли ва объектив қарор қабул қилишгача бўлган бутун жараённи кузатиш имконини бериб, мансабдор шахслар ва органларнинг шикоятларга ўз вақтида жавоб бериш бўйича ҳаракатларини назорат остига олади.

Давлат харидлари соҳасида ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланиб, **мониторинг ва назоратни ташкил этиш**, ушбу функцияларнинг тезкорлиги ва объективлигини сезиларли даражада оширишга ёрдам беради. Қонун билан ўрнатилган давлат харидларини амалга ошириш жараёнлари устидан назоратнинг асосий усули бўлиб – махсус ахборот порталида жойлаштирилган ахборотнинг мониторинги ва таҳлили асосидаги камерал текширувлар бўлади. Назорат органлари ахборотни махсус ахборот портали орқали қонунчиликда белгиланган тартибда оладилар. Давлат харидлари иштирокчиларини текширишни ташкил қилиш учун асос – харидлар иштирокчилари ҳаракатларининг махсус ахборот порталда жойлаштирилган ахборот билан мос келмаслиги, шу жумладан, ахборотни автоматик солиштириш ва манфаатлар тўқнашувини бартараф этиш, харидлар муддат ва жараёнлари, тиниқлик ва рақобат тамойилларига риоя қилиш бўйича автоматик функциялардан фойдаланиш ҳисобланади.

Харидларни тизимлаштириш, статистик маълумотларни тўплаш ва қайта ишлаш бўйича ишларни яхшилаш, товарларни янада аниқ ва батафсил тасвирлаш, улар қидирувини

осонлаштириш мақсадида, давлат харидлари предмети бўлган товар, хизмат ва ишларнинг ягона тизимли ихтисослаштирилган рўйхатини яратиш ҳисобланади. Бу мақсадда, ООН (UNSPSC) классификатори асосида, **Давлат харидлари ва электрон тижорат эҳтиёжлари учун товар, иш ва хизматларнинг миллий классификатори** яратилади ва доимий аснода янгилаб турилади.

## VI. ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

### 6.1 Кўпфункционали модули савдо-маркетинг портали

Айланмалар нуқтаи назаридан, биржанинг келгуси беш йиллик даврдаги фаолият йўналишлари орасидан режалаштирилганлари орасидан даромадлилиги жиҳатидан энг истиқболлиси – **электрон тижорат** ҳисобланади.

Уч тарафлари етакчилик стратегиясига кўра, лойиҳа доирасида, биржа потенциали, унинг бор ресурсларидан фойдаланиб, комплекс инновацион лойиҳа билан электрон тижорат бозорига чиқиш назарда тутилган бўлиб, бу бозорда юқори синфли хизматлар барча потенциал тоифадаги мижозлар гуруҳи (йирик ишлаб чиқарувчи-корхоналар, улгуржи ва чакана савдо ташкилотлари, якка тартибдаги тадбиркорлар ва жисмоний шахс - истеъмолчилар) га кўрсатилади.

2017 йилдан бошлаб, турли тоифадаги истеъмолчи (юридик шахслар, якка тартибдаги тадбиркорлар, жисмоний шахслар - истеъмолчилар) ларга электрон тижорат – электрон савдо, электрон маркетинг, электрон логистика ва электрон тўловлар соҳасида хизматлар мажмуасини кўрсатишга мўлжалланган **кўп функцияли модули савдо-маркетинг порталнинг** босқичма-босқич ишга тушириш кўзда тутилган.



		Савдо платформаси (Аукцион ва каталог)		
Ишлаб чиқарувчи, улгуржи савдогарлар, уяли алока операторлари, импортчилар		e-diler платформаси	РИТЕЙЛЕРЛАР юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар	
ЭЛЕКТРОН ГИПЕРМАРКЕТ				
Харакатланиш модули		Электрон дўконлар ва ишлаб чиқарувчиларнинг сайтлари		Ритейлерларнинг электрон дўконлари
Промоквизинг	Гурухли чегирмалар			
ЭЛЕКТРОН КЎП ФУНКЦИЯЛИ САВДО-МАРКЕТИНГ ТИЗИМИ				
		Электрон каталог	Кобрендинг лояллик (содиклик) дастури	Кэшбек портали
ЯКУНИЙ ИСТЕЪМОЛЧИЛАР (Жисмоний шахслар)				Қўшимча сервислар: хисоб-китоб ва логистика тизими

Кўп функцияли савдо-маркетинг портали, ўз ичига қуйидаги платформа (сервис) ларни олади:

**B2B савдо платформаси.** Хом ашё ва истеъмол товарларига оид бўлмаган предметларнинг улгуржи ва майда чакана савдоси учун асосий канал бўлиб – модернизациялаштирилган электрон кўргазма-ярмарка савдо платформаси саналади. Бу платформа ўз ичига қуйидагиларни олади:

юридик шахслар учун улгуржи ва кичик улгуржи савдо дўкони тамойили асосида ишловчи рақобатга кирмайдиган савдо учун савдо майдончаси;

юридик шахслар учун кўтарилган бошланғич нарх билан аукцион тамойили асосида ишловчи рақобатбардош савдонинг савдо платформаси;

энг кўп нарх талаб қилиш тамойилидан фойдаланиб, юридик шахслар орасида тузилган шартномаларни рўйхатга олиш электрон платформаси;

қисқа аукцион механизмидан фойдаланиб, юридик шахслар учун электрон савдо платформаси.

**E-diler Маркетинг платформаси.** e-diler маркетинг платформасининг асосий вазифаси – йирик ишлаб чиқарувчи, йирик улгуржи савдо ташкилотлари ва Ўзбекистон бозорига кирувчи хорижий компаниялар, бир тарафдан маҳаллий компаниялар, шу жумладан вилоятларда жойлашган ритейлерлик корхоналари билан алоқаларни яхшилашга кўмаклашишдир.

Мажозларнинг биринчи тоифаси маҳаллий, локал бозорларга кириб бориш, ўз махсулотини вилоятда харакатлантиришдан манфаатдор бўлса, аммо худудий кенгайиш одатда, сезиларли даражада кўп молиявий маблағ ва ташкилий харакатлар, маҳаллий хусусиятларни билиш ва кўп вақт талаб этади.

Иккинчи тоифа айланмаларни кенгайтириш, янги товар ва инвестицияларни жалб қилишга муҳтож.

Натижада, ҳар икала тоифа мижозлари алоқаларни яхшилаш ва потенциал контр-вакилларнинг адолатсиз бизнес амалиётидан ҳимояни таъминловчи элементар кафолатлар мавжудлигидан манфаатдор бўлади.

**Электрон гипермаркет (сайт ва дўконлар конструктори).** Биржа учун энг истиқболли йўналишлардан бири бу – биржа ахборот тизими (B2B) орқали чакана сотувларни амалга ошириш имконини берадиган сервисни ривожлантиришдир. Бу мақсадда, кўп функцияли савдо-маркетинг порталининг калит модулларидан бири бўлиб – сайт ва дўконлар конструктори ҳисобланади.

Сайтлар конструктори ташкилотларга, авваломбор, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ва якка тартибдаги тадбиркорларга, унча катта бўлмаган доимий тўлов эвазига модулни ўзининг интернет тармоғидаги шахсий саҳифаси ёки электрон дўконини яратиш

учун ишлатиш имконини беради. Бу билан корхоналарнинг биржа портали воситасида (бино ижараси, колл-марказни ташкил этиш, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш, логистика ва хк.харажатлар) электрон тижоратда қатнашиш билан боғлиқ сарфларини камайтиради.

**Товарларни илгари суришнинг «Промоквизинг» тизими.** Янги турдаги махсулотларни илгари суриш, бошқа промоакциялар ўтказиш учун, биржа мижозларига махсус маркетинг платформаси «Промоквизинг»дан фойдаланиш имконияти берилади. Бу платформа товар, иш ва хизматлар таклиф этувчи юридик шахслар билан махсулот истеъмолчилари- жисмоний шахс (новатор) ларни боғлайди. Корхоналар ютуқли ўйин ва лотерея ўйинлари ўтказиш орқали ўз махсулотлари ҳақида максимал сонли потенциал истеъмолчиларга хабар беришлари, ва истеъмолчилар эса – янги махсулотлар ҳақида максимал ахборот олишлари, бир вақтнинг ўзиде олиб борилган ютуқли ва лотерея ўйинларининг ғолиби сифатида ютуқларни қўлга киритиш имкониятига эга бўладилар.

**Гурухли (жамоавий) чегирмалар тизими.** Жамоавий чегирмалар тизими хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ўз товар (иш, хизмат) ларини истеъмолчи (асосан – жисмоний шахслар) га илгари суриш (таклиф) этишни жадаллаштириш учун яратилади. Тизим хўжалик юритувчи субъектларга сотувлар ҳажмини ошириш, ва истеъмолчиларга эса улгуржи чегирмалардаги (доимий нархлардан 15 % дан кам бўлмаган) нархларда товар (иш, хизмат) ларни сотиб олиш имкониятини тақдим этади.

Навигация фойдаланувчисининг жамоавий харидлардаги иштирокини соддалаштириш учун, вилоят, шаҳарларда товар (иш, хизмат) тоифалари, акциялар муддати ва чегирмалар ҳажми бўйича таклиф этилаётган акцияларнинг филтрлаш тизими яратилади.

**Электрон репозиторий.** Республикадаги корхоналар биржанинг электрон репозитарийсидан тузилган шартномаларни сақлаш, улар бўйича низо ва келишмовчиликлар юзага келганда ҳакамлик аралашувлари, бундай шартномалар устидан ҳисоб-китоб тизими ва мажбуриятларни ижро этиш устидан мониторинг қилиш учун фойдаланишлари мумкин.

Назарда тутилган чора-тадбирларнинг муваффақиятли ижроси натижасида, биржада тузилган битилар айланмаси ва биржа даромадини уч мартадан кам бўлмаган миқдорга оширишга эришса бўлади.

Лекин, ушбу стратегия билан кўзда тутилган чора-тадбирлар реализацияси биржадаги барча) молиявий, маъмурий-ташкилий ва бошқа ресурслар юклагаси, ҳамда ходимлар, ижро органи, кузатув кенгаши ва биржа акциядорларининг ўзаро ҳаракати ва аниқ тушунишларини талаб этади.

## **VII. БИРЖАНИНГ ЎРТАЧА ИСТИҚБОЛ (2016-2018 ЙЙ.) УЧУН СТРАТЕГИЯСИ**

Ушбу стратегия билан назарда тутилган чора-тадбирлар 2016-2025 йиллар давомида, ЎзРТХБ АЖ да ҳар йили тасдиқланадиган бизнес режаларда белгиланган муддатларда реализация қилинади.

Бунда, ушбу чора-тадбирларнинг сезиларли йирик қисми, ҳар бир кўрсатилган йўналишлар бўйича, ўртача муддатли истиқбол (2016-2018 йй.) даврида амалга оширилади. Қўйида биржа фаолиятининг ўрта муддатли давр учун асосий йўналишлари келтирилган.

